

Шифо берувчи - Аллоҳ



11:07 / 10.11.2018 5711

Савол: *Исломда “Шифо берувчи - Аллоҳ” дейилади, ҳолбуки, беморни шифокор даволайди-ку?!*

Жавоб:

- 1.** Агар шифо шифокорнинг қўлида бўлганида эди, тузалмаган бемор қолмас эди. Лекин баъзилар тузалади, баъзилар вафот топади, айримлар эса, ўша дардлари билан узоқ давр азоб чекади. Демак, шифо шифокор ёки дорида эмас, Аллоҳнинг измидадир.
- 2.** Шифо шифокорнинг қўлида бўлганида шифокорларнинг ўзлари хасталикка чалинмас эдилар.
- 3.** Шифокор бир сабаб, холос. Шифони берувчи Аллоҳ. Агар Аллоҳ шифо беришни истаса, дори беморнинг тузалишига сабаб бўлади. Истаса, дори-

дармонсиз ҳам шифо беради.

“Соғлом эътиқод - мўминга нажот” китобидан